



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаи
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 19 декабрь, № 262 (8885)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИ ИЛМ-ФАН ВА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига ташриф буюриб, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва кластердаги корхоналар фаолияти билан танишди, соҳадаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини бориб кўрди.

Мазкур мажмуа Президентимизнинг 2020 йил 28 январдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган, ўша йили 17 апрелда унинг қурилишига тамал тоши қўйилганди.

Биринчи босқичда қарийб 20 гектар майдонда технопарк барпо этилмоқда. У маъмурий марказ, тадқиқот ва ривожлантириш маркази (R&D), фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги лабораторияси, клиник тадқиқотлар маркази, Фармацевтика техник университети ҳамда виварийни ўз ичига олади.

Бугунги кунда маъмурий марказ қуриб битказилган. 11 қаватли ушбу бинода Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, конференция зали, қоворкинг маркази, бизнес инкубатор, кутубхона, соҳа тарихи музейи жойлашган.

Давлатимиз раҳбари ушбу марказни ва навбатдаги иншоотлар қурилишини кўздан кечирди.

Кластердан асосий мақсад юқори технологияларни жорий этиш орқали мамлакатимиз фармацевтика тармоғини ривожлантириш, халқаро инновацион тизимга интеграциялашиш,

юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқариш, малакали мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу кенг қўламли мақсадлардан келиб чиқиб, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан 190 гектар ер майдони ажратилган.

Ҳозирги кунда бу ердаги sanoat зонасида умумий қиймати 818 миллион долларлик 21 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг биринчиси — «Grand Pharm Logistics Hub» томонидан 40 миллион долларлик дистрибуторлик маркази ишга туширилди ва 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Корхоналар Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Президентимиз ушбу лойиҳалар ташаббускорлари билан суҳбатлашди. Инвестицияларни жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Келгусида sanoat зонасида яна 620 миллион долларлик 20 та лойиҳа амалга оширилишини мўлжалланган.

Умуман, кластерда юқори сифатли дори-дармонлар ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилади, импорт бўлаётган маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади, 8 минг иш ўрни яра-

тилади. Зарур амалиётлар маркази (GxP) товарларнинг тайёрланишидан истеъмолчига етиб боришигача бўлган барча босқичда халқаро стандартларга мувофиқлик ва сифатни таъминлашга қўмаклашди.

Давлатимиз раҳбарига шу ерда барпо этиладиган Фармацевтика техник университети ҳақида ахборот берилди.

Унда фармакопоя маркази, кутубхона, спорт мажмуаси, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун тураржой бўлади. Sanoat фармацевтияси, биокимё ва биотехнология, биотехнология, биофармацевтика, биоинформатика каби йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Бунинг учун таълим халқаро дастурлар асосида йўлга қўйилди, микробиология, биотехнология, ҳужайра биологияси, фармакология, таҳлилий кимё каби лабораториялар ташкил этилди.

Университетга жорий ўқув йилида илк талабалар қабул қилинди. Президент улар билан мулоқотда бўлди.

— Биз ривожланган давлатлардан инвесторлар олиб келямиз. Улар Ўзбекистонга қандай қилиб баҳо беради? Сизлар билан мулоқот қилиб. Мамлакатимизнинг бойлиги — ёшлар! Фармацевтика бўйича ҳам энг яхши

дастурларни қўллаб, келажак учун мутахассисларни тайёрлаб олмасак, бошқаларга пул тўлаймиз, боғлиқ бўлиб қоламиз. Шунинг учун замонавий университет ташкил қилиб, дуал таълимни йўлга қўяймиз. Бу ерда ҳам билим оласизлар, ҳам ўқиганларингизни амалда қўллаш имкониятига эга бўласиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур ўқув юрти битирувчиларига Корея Республикасининг Ёнсе, Буюк Британиянинг Сандерленд ва Де Монфор университетларининг халқаро миқёсда тан олинадиган дипломлари берилди. Шунингдек, Данди, Пусан ва Пердью университетлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президент Шавкат Мирзиёев «Tashkent Pharma Park» инновацион кластерида фармацевтика соҳасидаги корхоналар раҳбарлари билан мулоқот қилди.

Ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бу соҳага давлат томонидан кенг имкониятлар яратилмоқда. Охириги етти йилда фармацевтикада ишлаб чиқариш 2 қарра ошган. Экспорт 11 баробар кўпайган. 750 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, корхоналар сони 3 баробар ўсган.

Юртимизда 3,5 минг турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилапти. Лекин бу талабни тўла қопламайди.

Шу боис давлатимиз раҳбари кўп турдаги дориларни маҳаллийлаштириш ва экспортни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

«Асакабанк» ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига йирик маҳаллий корхоналар билан бирга 2025 йилда кенг истеъмол қилинадиган 200 турдаги дори воситаларини ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни 2 баробар ошириш бўйича дастур тайёрлаш топширилди. Бундай лойиҳаларга хориждан жалб қилинган 400 миллион доллар қулай шартларда йўналтирилди.

Энди фармацевтика тармоғида Илгор лойиҳалар инвестиция жамғармаси ташкил қилинади. Бу жамғарма биофармацевтика, ҳужайра технологиялари, онкология каби йўналишлардаги лойиҳаларга улуш билан кирди, уларга катализатор бўлади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан «Асакабанк»ка соҳани ривожлантириш учун 100 миллион доллар кредит лийниси очилган. Энди бу маблағ лизинг учун ҳам берилди.

«Асакабанк» томонидан фармацевтика соҳасида янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун 10 мил-

лион долларлик венчур компания очилади. Стартап лойиҳа четдан қанча маблағ жалб қилса, мазкур компания шунча пулни қўшимча экспортсиз беради.

Янги ишланмалар учун Инновация жамғармасидан 20 миллиард сўм грант ажратилади. Бу олимлар яратётган янги маҳаллий дори ишланмаларини тижорат лойиҳасига айлантириш ва стартаплар учун йўналтирилади.

Маҳаллий фармацевтика корхоналарига 2025 йил 1 январгача берилган божхона имтиёзлари мuddати яна 3 йилга узайтирилади.

Мамлакатимиз корхоналари етакчи хорижий фармацевтика компаниялари технологияси ва рецепти асосида дорилар чиқаришга тайёр. Лекин бундай кооперация учун ҳуқуқий асос яратилмагани сабабли ҳар бир дорини янги маҳсулот каби клиник тадқиқот ва рўйхатдан ўтказишга тўғри келяпти. Бунга кўп вақт кетади. Шу боис бу тартибни соддалаштириш муҳимлиги айtilди.

Тадбиркорларнинг экспорт бозорларини кенгайтириш учун АҚШнинг Озик-овқат ва дори воситалари сифати назорати бошқармаси (FDA) ҳамда Европа тиббиёт агентлиги сертификатларини олиш харажатлари бюджетдан қоплаб берилди.

Юртимизда ўсимликларни sanoat усулида еттиштириб, қайта ишлаш орқали субстанция ва косметик компонент олиш ривожлантириш. Шунга мувофиқ «Асакабанк» иштирокида келгуси йилда ҳар бири 5 гектардан бўлган доривор ўсимликлар плантацияси барпо этилиб, уларни қайта ишлаш бўйича 5 та намунавий лойиҳа бажарилади.

Умуман, фармацевтикада 1 миллиард долларлик лойиҳалар шакллантирилиши белгиланди. Улар талаб юқори дори воситаларини чет элникидек сифатда ишлаб чиқариб, бозорда рақобат яратиш, нархларни арзонлаштиришга қаратилган.

Мулоқотда соҳа вакиллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулотлар сифати ва экспортини ошириш, илм ва таълимни рағбатлантириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев «Grand Pharm Logistics Hub» фаолияти билан танишди.

Ушбу логистика маркази «Tashkent Pharma Park» инновацион кластери ҳудудига ўн гектар майдонда жойлашган. Лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллион доллар бўлиб, уч қаватли маъмурий бино, омборлар, меҳмонхона, ошхона ва ётоқхона қурилган. 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилган.

Маҳсулотларни сақлаш жойи 50 минг квадрат метр. Бу ерда катта ҳажмдаги фармацевтика маҳсулотларини халқаро стандартлар асосида қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш имконияти мавжуд. Бу босқичлар тўлиқ рақамлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу жараёнларни кўздан кечирди.

Логистика маркази «Tashkent Pharma Park» фармацевтика кластеридаги бошқа ишлаб чиқарувчиларга ҳам қўл келади. Маҳсулотларни сақлаш ва экспорт қилинишида халқаро «SAP» тизими орқали амалий ёрдам берилди. Бунинг учун дори воситалари сифатини таъминлаш бўйича «GDP» ва «GSP» сертификатлари ҳамда божхона омбори, халқаро юкларни ташиш учун лицензиялар мавжуд.

Бу борадаги талабларни таъминлаш учун халқаро стандартларга мувофиқ ҳавони совитиш тизимлари ўрнатилган. Юкларни ортиш пайтида ҳам ҳарорат мўътадиллиги таъминланади. Илгирмадан ортиқ юк машиналарида ташиш хизматлари ҳам кўрсатилади. Мажмуада бундай транспортлар учун тураргоҳ ва техник хизмат ҳам ташкил этилган.

Бугунги кунда Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Германия, Польша, Франция, Венгрия, Руминия ва Туркия каби давлатлар билан логистик алоқалар ўрнатилган. Бу география йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Мутасаддиларга маҳсулотларни сақлаш ва расмийлаштиришда қулайликларни ошириш, таннархни камайтириб, дориларни арзонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Компания фармацевтика бозорини мунтазам ўрганиб, тиббиёт соҳасидаги эҳтиёжларни ҳам таҳлил қилиб боради. Натижада етказиб бериш йўналиши кўлами кенгайиб бормоқда. Ушбу корхона мамлакатимиз ҳудудига бўйлаб 7 минг 500 дан ортиқ дорихоналарга товарлар етказиб беради. Шунингдек, онлайн дорихона хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу борадаги ҳамкорлар сони ҳам ортмоқда.

Бу ерда «GPH Academy» лойиҳаси йўлга қўйилган бўлиб, қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Учта таълим даргоҳида амалий машғулот хоналари ташкил этилди. Уч минг нафар фармацевт малака ошириш курсларидан ўтди. Ўттиз нафарга яқин талабалар ушбу лойиҳанинг стипендия ва грантларига эга бўлди.

Зиёдулла ЖОНБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ОЗАРБАЙЖОНДА «ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ФЕНОМЕНИ» КИТОБИ ЧОП ЭТИЛДИ

Боку шаҳридаги Озарбайжон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, таниқли сиёсатшунос, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг «Менинг Президентим» ва «Миллатпарвар» китоблари асосида озарбайжонлик ижодкор-таржимонлар — ёзувчи ва шоир Акиф Бағиров ҳамда адабиётшунос олим Яшар Қосим томонидан тайёрланган «Шавкат Мирзиёев феномени» китоби тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдимот

Бу ҳақда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов хабар қилди.

Тадбирда Озарбайжон парламенти вакиллари, сиёсатчи ва таҳлилчилар, шоир ҳамда ёзувчилар, Ўзбекистон делегацияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тақдимот аввалида озарбайжонлик таниқли сиёсатчи ва зиёлилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Улар ушбу китоб тақдимотининг Бокуда ўтказилаётгани халқларимизнинг бир-бирига яқинлиги, ўзаро дўстлик ришталари мустақамланиб бораётганидан далолат эканини алоҳида таъкидлашди.

— «Шавкат Мирзиёев феномени» китоби жуда катта масъулият билан таржима қилинди, бу жараёнда кўп бор маслаҳатлашдик, фикр алмашдик, — дейди таржимон Яшар Қосим. — Бизга Қудратилла Рафиқов китобларининг тили ва услуби ёқди. Таржима жараёнида ана шу жиҳатларни сақлаш, озарбайжон тилида чиройли жаранглайдиган сўзларни топиш ва қўллашга ҳаракат қилдик. Мазкур китобни ўқиб, янги Ўзбекистонни янада яқинроқ билиш, унинг бунёдкори — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ватан ва миллат истиқболи, шонини учун амалга ошираётган ишлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу

китоб Ўзбекистон раҳбари шахси ва сиёсий фаолиятига бағишлангани, унга киритилган публицистик эсселарда давлатимиз раҳбари бошичилигида юртимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар, жумладан, иқтисодий ривожланиш, инфратузилмани модернизация қилиш, ижтимоий соҳани яхшилаш ҳамда Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустақамлашда эришилаётган ютуқлар ёритилганини алоҳида таъкидлашди. Ушбу китоб янги Ўзбекистон бунёдкори илоҳотларига беэътибор бўлмаган ҳар бир инсонда катта қизиқиш уйғотиши қайд этилди.

Тақдимот якунида «Шавкат Мирзиёев феномени» китоби таржимонлари Акиф Бағиров ҳамда Яшар Қосимга Ўзбекистон томони вакилларининг совғалари туҳфа этилди. Уларга икки давлат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни мустақамлашга қўшган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирилди.

Иштирокчилар Озарбайжон Миллий кутубхонасида ташкил этилган Ўзбекистон буржатидаги мавжуд адабиётлар билан яқиндан танишди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2024 йил 18 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Олий Махлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий соҳа хизматлари сифатини янада яхшилатиш, «ашиш» иқтисодиётини ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган. Унга кўра 2025 йилда иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда инфляция даражаси 7 фоиз атрофида бўлиши прогнози қилинмоқда.

Хусусан, қонунда ўрта муддатда қон-

солидациялашган бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан оширмаслик вазифасидан келиб чиқиб, 2025 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 431,0 триллион сўм, харажатлар эса 480,5 триллион сўм миқдориди шакллантирилган.

Давлат бюджети даромадлари 308,5 триллион сўмни, харажатлари эса 344,8 триллион сўмни ташкил этмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатлари (бюджетларро трансфертлар ҳисобга олинмаган ҳолда) тегишлича 66,4 триллион сўм ва 62,8 триллион сўм миқдориди режалаштирилмоқда.

Қонунда кейинги йилда ҳам харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинган бўлиб, Давлат бюджети харажатларининг 52 фоизи ёки 177,7 триллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Аксол МУҲАММАДОВ олган сурат.

Сенаторлар қонунни муҳокама қилиш жараёнида бюджет даромадларини оширишга, бюджет маблағларини мақсадли сарфлашга алоҳида эътибор қаратади ва ўз фикрларини билдирди.

Қонунда 2025 йил учун Давлат бюджетни харажатларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 3,6 триллион сўм қўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш соҳасига эса 41,3 триллион сўм ёки 2024 йилги қўтилаётган ижрога нисбатан 19,8 фоизга ошган ҳолда ажратиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 2025 йилда ҳудудлардаги долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда давлат аҳамиятига молик тадбирларни амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирлар учун ҳам маблағ ажратиш қўзда тутилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида қонунда бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, мамлакатимизда аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, табиатни асрашни рағбатлантириш масалаларига эътибор қаратилганини таъкидлади.

Муҳокама якунида мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра ялпи мажлис давомида "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама этилди.

Қонун билан 2025 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, шу жумладан, амалдаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида бизнес юртишсини енгиллаштириш юзасидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида айрим

қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда.

2025 йил учун белгиланган солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари қўшилган қиймат солиғи 12 фоиз, фойда солиғининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи 0,95 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги ерларини сўғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 1 кубометрга 100 сўм, ижтимоий солиқ 12 фоиз (бюджет ташкилотлари 25 фоиз), айланмадан олиннадиган солиқ 4 фоиз миқдорда ўзгаришсиз қолдирилмоқда.

Қонун қабул қилиниши натижасида тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароитларни яратишга имкон берадиган солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича тегишли ҳўқўқий муносабатлар тартибга солиниши таъминланади.

Қайд этилганидек, солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз сақлаб қолган ҳолда аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб этиш ҳамда атроф-муҳитни ҳўқўқий қилишни рағбатлантириш йўналишлари назарда тутилмоқда.

2025 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлар учун солиқ юкчини камайтириш орқали қўлай бизнес муҳитини яратиш мақсадида мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи бекор қилинмоқда ҳамда барча наشريёт ва матбаа корхоналари 2025 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод этилмоқда.

Қонунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий бюджетга оид ваколатлари кенгайтирилган. Уларга туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкасини энг кам ва энг юқори ставкалар (диапазонда) доирасида белгилаш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳамда норузда қўрилиш материаллари бўйича ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига оширувчи ва камайтирувчи коэффицентлар қўллаш ваколатлари берилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида қонунда бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқ сиёсатини белгилашда соғлом турмуш тарзини яхшилаш ва табиатни асрашни рағбатлантириш масалаларига эътибор қаратилганини таъкидлади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳўқиди"ги қонун муҳокама этилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳўнарларни эгаллашни таъминлаш мақсадида таълим соҳасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқ, ҳатто чекка-чекка ҳудудларда ҳам ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш борасида қўллаб-самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ҳудудлардаги долзарб ижтимоий муаммоларни, маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда давлат аҳамиятига молик тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Бўндан ташқари, мамлакатимизнинг солиқ, божхона ва бюджет қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилотининг талаблари билан уйғунлаштириш юзасидан қатор чоралар қўриляпти.

Қонунда тадбиркорлик ва кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларининг устав капиталини ошириш учун 2,5 триллион сўм, маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни ҳал этиш бўлиши қўрилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишга 1,3 триллион сўм, таълим кредитига бўлган талабнинг юқорилиги ҳамда ўтган йилда юзга келган қарздорлиқни қоплаш учун Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига 840,5 миллиард сўм қўшимча равишда ажратиш белгиланган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва давлат аҳамиятидаги тадбирларни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасига 524,8 миллиард сўм, Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратиш қўзда тутилган.

Қонунда бир-бирини такрорловчи шартлар бирликлари қисқартирилгани ҳисобига бюджет маблағлари тежабелатини ҳамда объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилmalarга режалаштирилган маблағлар ҳамда жорий йил бюджет харажатларини ўзлаштириш имкониятларидан келиб чиқиб, айрим харажатлар мақбуллаштирилмоқда.

Қонунда республика бюджети харажатлари қарийб 10 триллион сўмга оширилмоқда.

Сенаторлар 2024 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга киритилаётган барча ўзгаришлар республика бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсади, самарали ҳамда натижга йўналтирилган ҳолда сарфланишига, долзарб муаммоларнинг ечимини топишга ва уларни маблағ билан таъминлашга қаратилганининг муҳимлигини таъкидлаб, ушбу қонунни маъқуллади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кўни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СОҲАСИДА НОЁБ ТИЗИМ ЯРАТИЛДИ

Шу йилнинг 13 декабрь кўни давлатимиз раҳбари раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда мамлакатимиз раҳбари томонидан ижтимоий соҳани янада ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган берилганди.



Мазкур вазифалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда палатанинг Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи ҳамоҳирлигида "Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий ҳимоя соҳасида тарихий қадамлар ташланди. Кўчи ижтимоий сиёсат аҳоли турмуш даражасини юқсалтириш, даромадларини ошириш, ҳар бир инсон давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслигини кафолатлаш мақсадларини изчил рўёбга чиқармоқда. Ижтимоий ҳимоя масаласига жамиятда барқарорлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим асоси, деб қаралмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция-мизнинг 1-моддасида ҳам Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланган бўлибди. Бош қўмисидан давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтирилди. Хусусан, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истемвол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлибди.

Шунингдек, илк маротаба давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳаддан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини кўтариш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳўқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини қўриш мажбурияти юкюланди.

Тадбирда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида бугун мавжуд барча масала маҳалланинг ўзида ечилиб, минглаб эҳтиёжманд фуқаролар жамиятга ўз ўрнини топаётгани, янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган ижтимоий давлат тамойили ҳаётда рўёбга чиқаётгани алоҳида таъкидланди.

Асосий Қўнимизда ўз ифодасини топган муҳим нормалар ҳаётга татбиқ этиб келинаётгани, жумладан, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палатасидаги нутқларида ҳам келгусида ижтимоий соҳада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгиланган бергани қайд этилди.

Депутатлар кам таъминланган аҳоли қатлами кўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар халқ вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юкюлиши, фуқароларнинг ижтимоий ёрдам олиш ҳараёнини соддалаштириш ва тизимнинг барча йўналишида шафқатлиқ таъминлаш мақсадида жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Ижтимоий карта" тизимини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас, — дейди Қўнчилик палатаси депутати Тоҳир Полвонов.

Ушбу янги механизм фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда самарадорликни янада ошириш, давлат ёрдамини адолатли тақсимлашга хизмат қила-

ди ҳамда ижтимоий ҳимоянинг янги босқичини бошлаб беради.

Тадбирда сўз олганлар ижтимоий ҳимоя оид қўнчиликни такомиллаштириш ва бугунги кўн талабларига мослаштириш, соҳадаги ҳўқўқий асосларни босқим-босқим унификациялашга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Хусусан, "Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Қўнунни бугунги ислохотларга мослаштириш, шунингдек, "Давлат ижтимоий сўғуртаси тўғрисида"ги қўнунни қабул қилиш жараёни тезлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида 2025 йилда 1 миллиондан ортиқ аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича катта марра олинган, ушбу мақсадларга йўналтирилган маблағларнинг самарали ишлатилиши ва ажратилган ерлар ҳақийқ эгасига берилишида парламент назорати шаклларида ҳам самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатига меҳнат бозоридagi ислохотларни янада кўчурлаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Яқунда ижтимоий ҳимоя соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг ижросини самарали ташкил қилиш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқиш бўйича қўмита олдида турган устувор вазифалар белгиланган олинди.

ЛОЙИҲАДАГИ АЙРИМ НОРМАЛАР МАРОМИГА ЕТКАЗИЛДИ

Қўйи палатанинг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳўқўқ масалалари қўмитаси томонидан тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахсининг ҳўқўқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Бугунги кўнда суд-тергов амалиёти инсон ҳўқўқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича самарали механизмлар тўлиқ ишга солинмагани, шунингдек, жиноят содир этганликда айбланаётган шахсининг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳўқўқларини суд орқали ишончли таъминлаш чораларини кучайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, иккинчи ўқишга тайёрланган мазкур қонун лойиҳаси билан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — тергов судьялари лавозимини жорий этиш ва улар томонидан жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш назарда тутиляпти.

Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳаси аτροφлиҳа қўриб чиқилиб, депутатлар томонидан берилган қатор тақлифлар чўқур таҳлил қилинди. Тергов судьялари ваколатлари аниқлаштирилди. Депутатлар тавсиялари асосида лойиҳадаги айрим нормалар маромига етказилди.

Ушбу қонун лойиҳаси шахсининг ҳўқўқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида ҳам шахс суд ҳимояси остида бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Айни пайтда масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ЗИММАСИГА ЖАВОБГАРЛИК ЮКЛАТИЛМОҚДА

Қўнунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланган бўлибди.

Унинг муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ишчи гуруҳ йиғилишида биринчи ўқишда қўриб чиқилган давомида депутатлар томонидан берилган тақлифлар экспертлар, ҳўқўқшўнослар иштирокида чўқур таҳлил қилинди.

Кейинги вақтда фибригарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз кредит маблағларини уларнинг номига расмийлаштириш ва мазкур кредит маблағларини ўзлаштириш ҳўқўқларини ортиб бормоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан жисмоний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битимини расмийлаштириш билан боғлиқ фибригарликларнинг олдини олиш мақсадида кредит бўросига ариза қилиш орқали у билан кредит битимини тузишни тақиқлаш мумкин бўлибди.

Шунингдек, ушбу тартибга риоя қилмаган ҳолда кредит ажратганлик учун тўлиқ жавобгарлик кредит ташкилотлари зиммасига юклатилляпти.

Қонун лойиҳаси фибригарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз кредитларини уларнинг номига расмийлаштириш ва мазкур кредитларни ўзлаштириш ҳўқўқларини олдини олишга ҳамда бу борада кредит ташкилотлари масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Ишчи гуруҳ йиғилишида депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича қатор тақлифлар берилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Асосли деб топилган тақлифлар лойиҳа матнига ўз аксини топди.

Айни пайтда масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Хабарингиз бор, шу йил 12 декабрь кўни Олий Мажлис Қўнунчилик палатасида депутатларни парламент фаолиятининг назарий асослари билан ақиндан таништириш, уларнинг қўнун ижодкорлиги борасидаги касбий қўнукмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этилган эди.

Уларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарида ўтказилган мажлисларидаги нутқлари парламент ишини ташкил қилишда муҳим дастурий ҳўқўқат экани, илгари сурилган тақлифлар қўйи палата фаолияти натижадорлигини оширишга ёрдам бериши қайд этилганди. Шунингдек, илгари сурилган ташаббуслар ва биринчи қалдаги вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ бажарилишини таъминлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилганди.

Кеча Қўнунчилик палатасида депутатлар учун уюштирилган ўқув семинарида парламент аъзоларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги масалалари хусусида соҳа экспертлари билан ўзаро фикр алмашилди. "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва унда белгиланган вазифаларни

фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириш, Қўнунчилик палатаси хўзуридаги Парламент тақлифлари институти илмий изланишлари ва таҳлиллари билан фойдаланиш каби мавзуларда депутатларга маълумотлар берилди.

Қайд этилганидек, бундан қўзланган асосий мақсад — депутатларнинг қўнун ижодкорлиги соҳасидаги билим ва малакасини янада ошириш, парламент фаолияти самарадорлигини бугунги замон талаблари даражасига қаршидан иборат.

Ўқув семинарларида, шунингдек, депутатларнинг медиа вакиллари билан мулоқот олиб бориш қўнукмалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

МУҲОКАМАЛАР ҚИЗГИН РУҲДА ЎТДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси биринчи иш кўнида қўриб чиқилган масалалар ўзининг долзарблиги ва ислохотларнинг ҳўзирги босқичида муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб турди. Шу боис ҳам уларнинг ҳар бири сенаторлар томонидан қизгин муҳокамадан ўтказилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида сенаторлар ўз фикрларини билдирди.

Муносабат

Фуқаролар манфаати устувор

Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудфода ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саяҳ-харакатлари билан барча соҳа, тармок, ҳудудларда катта ўзгаришлар бўляпти, йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Уларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши эса қўн жиҳаддан бюджет омилга боғлиқ.

Мазкур ялпи мажлисда муҳокама қилинаётган "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қўнун ҳам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида парламент ва ижро ҳўқимияти вакиллари олдида қўйган, амалга оширилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ижросини бажаришга йўналтирилгани билан муҳим ҳисобланади.

Қўмитамиз томонидан ялпи мажлисга қадар мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда, эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда "2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун аτροφлиҳа ўрганилди ва муҳокама қилинди.

Қайд этиш лозимки, Давлат бюджетини шакллантиришда ҳар бир масала синчиклаб ўрганилган. Ҳар бир банд чўқур таҳлилларга асосланган. Барча муҳим жиҳатлар эътиборга олинган. Жумладан, мамлакатимиз мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳўқўқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳамда саноат хавфсизлигини таъминлаш учун

мутасадди идоралар томонидан берилган тақлифлар инобатга олинди, қонун билан етарлича маблағ ажратилмоқда.

Бўндан ташқари, қонунда қўзда тутилмаган тадбирлар ва фаълуюлда ҳўқўқларда маблағ ажратиш юзасидан ҳам аниқ чоралар қўрилан. Бюджет масаласида "катта", "кичик" деган тушунча бўлмайди. Ажратилган ҳар бир сўм, белгиланган ҳар бир лойиҳа одамлар манфаатига хизмат қилиши лозим.

Муҳокама этилган қонун билан ажратилаётган маблағлар фуқаролар манфаатига хизмат қилиши муқаррар.

Навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш — доимий эътиборда

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари қўмитаси
раиси:

— Ялпи мажлис давомида 2025 йилнинг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун юзасидан Бош вазир ўринбосари ахборотини эшитдик. Албатта, 2025 йилги Давлат бюджети ҳам янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланганидек, "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" эканидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилганини қўришимиз мумкин.

Бюджет харажатларининг 52 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилгани таъкидлаб ўтилди. Энг муҳими, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Хусусан, таълим ва фан соҳаси учун 2024 йилда қўйилаётган ижрога нисбатан 17,8 фоиз қўн ёки Давлат бюджети харажатларининг 25 фоизи миқдоридagi маблағлар режалаштирилмоқда.

Мақтабача ва мактаб таълими йўналишидаги давлат дастурлари

ҳамда тадбирлари ижроси учун ажратилаётган маблағлар ҳам сезиларли даражада ошган. 2025 йилда мактаб-гача таълим ташкилотларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан 2024 йилги қўйлаётган ижрога нисбатан 14,1 фоиз қўн маблағ йўналтирилмоқда. Жумладан, мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш орқали камраб олинган болаларнинг нодавлат мактабгача таълимдаги камровини ошириш мақсадида 2025 йилда 3,8 трлн. сўм субсидия маблағлари ажратилиши қўзда тутилган. Асосийси, йўналтирилаётган маблағлар мактабгача таълим камровининг ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатининг ошишига хизмат қилади.

«Инсон қадри — улуғ. У эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак».

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ
ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Маълумки, Президентимиз раҳбарлигида йил якунига бағишлаб ўтказилаётган йиғилишларда тегишли соҳалардаги ишлар танқидий-таҳлилий асосда сарҳисоб қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўз вақтида рўёбга чиқарилиши парламент аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклашини таъкидлаган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Акс садо

Абдушуккур ХАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
Экологик партияси
фракцияси раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёев раислигида банк хизматлари орқали маҳалла-ларда камбағалликни қисқартириш бўйича жорий йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун асосий режалар юзасидан видеоселектор йиғилишининг иштирокчиси сифатида шунга айтишим мумкинки, банк тизими фаолиятини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ислохотлар бугунги кунда из-

чил ривожланиб ва такомиллашиб бораётган иқтисодиётга бевосита таъсир кўрсатади. Банк тизимида кредит фооллиги бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани эса мазкур ислохотларнинг амалдаги нишонасидир. Маълумки, тизимдаги барқарорликни таъминламасдан туриб, иқтисодий муносабатларни ривожлантириб бўлмайди. Худди шу маънода, банк тизимининг имкониятлари ҳам кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт даражасига боғлиқ. Фракциямиз банк тизими ва

аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги керакли чора-тадбирларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Белгиланган вазифалар ижроси билан, шубҳасиз, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасида янги поғона забт этилади. Мазкур чоралар, ўз навбатида, банк ва бошқа молия хизматлари сифатини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиёт инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

эмас. Бутун дунё иқлими ўзгариб бораётган мурраккаб шароитда мамлакатимизда халқимизни ҳеч нимага зориқтирмай, йил давомида ҳам аҳоли дастурхонини тўкин қилиш учун эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Демак, бу борадаги саъй-ҳаракатларга эса барчамиз бирдек масъулмиз. Айниқса, биз, депутатлар аҳолининг аграр соҳага бўлган қизиқишини ҳамда уларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга йўл очувчи янги ташаббусларни илгари суришимиз, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар тарғиботи олиб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорларимиз ва деҳқонларимизнинг меҳнати ҳамда илмга асосланиб иш олиб боришлари натижасида халқимиз фаровонлиги, аҳоли бандлиги, мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти таъминланади. Камбағал оила фарзандларини касб-хунарга ўқитиш учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Муқаддасхон АХМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

— Давлатимиз раҳбари раислигида маҳалла-ларда камбағалликни қисқартириш бўйича қилинган ишлар сарҳисоби ва 2025 йил учун устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида келгусида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифаларга урғу берилди.

Дарҳақиқат, аҳолимиз кундан-кунга ўсиб бориши, аввало, ишсизликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар олиб борилиши муҳимлигини англади. Айниқса, камбағалликни қисқартириш масаласида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр соҳага замонавий ёндашувларни жалб қилиш орқали ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгариштиришимиз, томоққалардан самарали фойдаланиб, уни обод қилишни одадга айлантиришимиз лозим.

Амин бўляпмизки, бугунги кун кечаги кун

Ноиба ИНОЯТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар муҳокама қилинган бекзи эмас. Чунки кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истисқоси ва тараққиёт йўлининг асосий тамойилларидан бири саналади.

Давлат раҳбари томонидан соҳадаги ишларни янги бос-

қичга олиб чиқишга қаратилган мутлақо янги ташаббуслар илгари сурилди. Эътиборлиси, улар сиёсий партияларнинг сайловлида дастурлари билан ҳамохангдир.

Эндilikда камбағал оила фарзандларини чет тили, IT ва касб-хунарга ўқитиш учун қўшимча имкониятлар яратилди. Шу билан бирга, 2025 йилда муҳтож одамларнинг жарроҳлик амалиёти учун Тиббий сугурта жамғармасига қўшимча 185 миллиард сўм ажратилади.

«Халқ сўзи».

«ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ»

ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Бебаҳо қадриятларимиз негизида қадр-қиммат, саховат, одамийлик, меҳр-оқибат, кексаларни ардоқлаш, ёрдамга муҳтожларнинг оғирини енгил қилиш каби инсоний фазилатлар борлиги айна ҳақиқат. Бу борада ҳазрат Алишер Навоий таъкидлаган **“Одами эрсанг демағил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами”**, деган сатрлар ҳаёлимизда тақдорлар экан, ҳамиша эл ғамиде юрган, инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб, одамийлиқни энг олий мезон сифатида қалбига жойлаган давлатимиз раҳбарининг инсонпарвар ислохотлари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Фикр

Президентимизнинг аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий ҳаётини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, меҳр ва эътиборга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда олиб бораётган ислохотлари натижасида мамлакатда инсон қадри юксалди, одамларимиз ўз олдига катта-катта мақсадлар қўйишни, келажакка умид билан қарашни ўрганди. Бу пухта ижтимоий-иқтисодий ислохотлар динамикасига мос стратегия, биринчи навбатда, маънавий-ахлоқий қадриятларимиз, тарихий анъаналаримиз, миллий руҳиятимиз моҳиятига ҳамоханг бўлса, иккинчи томондан, жаҳон тажрибасига, ривожланган мамлакатлар эришган ютуқлар омиллига таянмоқда.

Хусусан, жорий йилда 102 та ижтимоий хизмат маҳалла даражасига туширилди. Натижада ногиронлиги бор болаларга қараб туриш хизмати йўлга қўйилиб, 700 нафар ота-онанинг ишлаганига шароит яратилди. Ҳаракатлана олмайдиган 4 минг нафар ёлғиз кексага ўз уйларида хизмат кўрсатилмоқда. Маҳаллаларда 95 минг муҳтож одамга ижтимоий ҳодимлар орқали ёрдам кўрсатилди. 51 минг кишига ногиронлик белгиланди ва имконияти чекланган 5 минг бола боғча-мактабга жойлашди. Шунингдек, 45 минг муҳтож аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан, яқинда Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ва тизимда жорий этилган янги



ўзгаришлар — бу юртда ҳар бир инсон, ҳар бир ёш доимий эътиборда эканининг яна бир ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий ҳимоя бўйича амалга оширилаётган ишлар қўлами янада кенгайди. Жумладан, келгусида 1 миллион 200 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунарга, тиббийёт масалаларини ҳал қилиш, яшаш шароитини яхшилаш, худудларда «Илк ривожланиш марказлари»ни ташкил этиш, камбағал оилалардаги 4 минг 200 нафар ногиронлиги бўлган болача боғча таълими бериш бўйича чора-тадбирлар, янги йилдан оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилиниши ҳамда боғча тўлови қисман қоплаб берилиши белгиланди.

Шунингдек, ташаббуслар қаторида камбағал оила фарзандларини чет тили, IT ва касб-хунарга ўқитиш учун қўшимча имкониятлар яратилиши, 118 минг нафар ўғил-қизнинг тегишли тўғаракларда ўқитилиши ҳамда мазкур тўғарак харажати 80 фоизгача бюджетдан қопланиши, шундай оилалар фарзандларини тайёрлаб, келгуси йилда 3,5 минг ёшнинг олийгоҳларга грант асосида қабул қилиш зарурлиги айтилди.

Шу ўринда эътироф этиш

жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан видеоселектор йиғилишида олийгоҳлар ректорлари ҳам камбағал оилаларда жами 4 минг нафар ёшнинг ўқитишга бош-қош бўлиши таъкидлаб ўтилгани биз, таълим тизими вакилларини янада кучли шижоатга, ижтимоий давлат қуришда бунёдкорликка чорлади ва ижтимоий ҳимоя бўйича келгуси режаларимизга пухта замин яратди.

Мазкур йўналишда Фарғона давлат университетиде олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳам бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Олийгоҳда маҳаллалардан бириктирилган эҳтиёжманд ёшлар билан мунтазам учрашувлар, мулоқотлар натижасида Сўх, Қўштепа, Фарғона худудларидаги икки юзга яқин маҳалла ёшлари муносиб уй-жойга, ўз даромад манбаига, иш ўрни билан таъминловчи касб-хунарга, моддий ва тиббий кўмакка эга бўлди. Уларнинг тақдир қилиш ҳамда муаммоларини ўрганиб борилиб, қизиқишларига қараб профессор-ўқитувчилар сабоқларига, фан

лабалар учун кўплаб шароитлар яратилаёттир. Жумладан, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, чин етим ҳамда ногиронлиги бўлган талабалар учун ҳар ойда 776 минг сўм миқдорида стипендия белгиланган ва тегишли ижтимоий тўловлар мунтазам тўлаб келинмоқда. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги талабалар «Ижтимоий фоллик индекси» асосида ҳар ойда рағбатлантириб борилади. Университетнинг талабалар тураржойларида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож йигит-қизлар учун алоҳида шароитлар яратилган, имтиёзлар ва чегирмалар мавжуд бўлиб, улар ётоқхона тўловларидан озод этилган. Мухтасар айтганда, бу ёшларнинг ётоқхонадаги яшаш шароитидан тортиб, дарс хоналарининг қулай жойлашуви, дарсга қатнаши, зарур адабийётлар ва қўлланмалар билан таъминланиши ҳаммиша олийгоҳ жамоаси эътиборида. Муҳими, улар тенгдошлари қаторида жамиятнинг бир бўлагига айланиб ва ислохотлардан куч олиб, олий таълим олмақда, асосийси, ҳаётга иштиёқи, ўз мақсадларни бор.

Бугун шу ёшлар кўзидаги чўғни, ҳаракатларидаги шиддатни, қўлга қиритаётган ютуқларини кўриб, мамлакат етакчисининг ижтимоий ҳимоя борасида амалга ошираётган ташаббуслари, инсонпарвар ислохотлари моҳиятида нечоғли улуғвор мақсадлар қўланганига амин бўламиз. Зеро, сиёсатдаги барқарорлик ва изчиллик ҳар қандай давлатда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши юртимиз мисолида ўз тасдиқини топтоқда.

Жамият — шу давлатнинг ҳаракат қучи, бутун танаси. Ушбу вужуднинг тўлақонли фаолияти учун унинг ҳар бир аъзоси, кучлиси муҳтожнинг ҳаракати, тафти ва меҳри зарур. Демакки, мамлакат истиқболлида ҳар биримизнинг муносиб вазифамиз, ёрғу тақдиримиз бор. Шу улуғвор вазифани адо этишда давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислохотларга қанот бўлиши — энг олий мақсадимиз.

Баҳодиржон
ШЕРМУХАММАДОВ,
Фарғона давлат университети
ректори, профессор.

ФРАНЦИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН
ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида Франция олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашув ташкил этилди. У «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда «Ёшлар форуми — 2024» доирасида ўтказилди.

Биз ва жаҳон

Тадбирда Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Дилноза Каттахонава ҳамда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси (WYU) вакиллари қатнашди. Учрашув Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаевнинг Францияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларга видеомурожаати билан бошланди.

Иштирокчиларга мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсати, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларида Ўзбекистон — Франция ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани ҳақида атрафлича маълумот тақдим этилди.

Талабаларга Франция миллий қонунчилигидаги риоя қилиш, мамлакатда бўлиш қоидалари, шунингдек, дипломатик ваколатхона билан муносабатларни давом эттириш бўйича зарур тавсиялар берилди. Уларга консуллик ва ҳуқуқий масалалар бўйича тегишли маслаҳатлар улашилди.

Ёшларимиз мамлакатимизда амалга



миз ҳукумати томонидан чет элда бўлиб турган ёшлар билан мулоқот қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан таништирди. Хусусан, ташкилот хорижда таълим олган ватандошларимизни Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида фаолиятини давом эттиришга кўмаклашиш ва таълим жараёнида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини таъкидлади.

Тадбирда ёшларни ўйлантираётган масалалар, уларнинг ечимлари ва тақлифлар атрафлича муҳокама қилинди.

— Бугун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташаббуси билан Францияда яшаётган, таълим олаётган ва ишлаётган ўзбек ёшлари билан учрашув бўлиб ўтди, — дейди Европа олий менежмент мактаби битирувчиси Ҳумоюн Бобоев.

— Сўнгги йилларда ҳукуватимиз томонидан хориж ҳамда мамлакатимизда яшаётган ва таълим олаётган ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, янги имкониятлар яратилмоқда. Биз, ёшлар элчихона билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз. Мазкур учрашувлар доирасида Ўзбекистон давлатининг ёшларга бўлган сиёсати, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида керакли маълумотларни олмақдамиз.

— Мен Парижда яшайман ва дизайн сифатида фаолият юритаман, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Франция мода академияси битирувчиси Асалин Одилова. — Ушбу тадбирда иштирок этиб мамлакатимиз раҳбарияти томонидан чет элда ўқиётган ва ишлаётган талабалар, фуқароларимизга қанчалик катта эътибор қаратилаётганини яна бир бор ҳис қилдик. Чет элда яшасак-да, биз ҳаммиша Ватанимиз билан яқин алоқада бўлишга интиламиз. Масалан, яқинда Парижда давлатимиз байроғи қабул қилинганининг 33 йиллигига бағишланган флешмобда қатнашдик.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни кириб келаётган 2025 йил билан табриқлайман. Юртимизга фаровонлик, барча фуқароларимизга катта бахт тилайман.

«Дунё» АА.
Париж

НУФУЗЛИ МУСОБАҚАНИНГ
ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ
МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



Кеча Тошкент шаҳридаги муҳташам «Универсал спорт мажмуаси»да кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «World Series Pro» мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Кураш

Мукофот жамғармаси 170 минг АҚШ долларини ташкил этган мазкур турнирда жаҳоннинг 20 га яқин давлатларидан нуфузли халқаро мусобақаларда ўз вазн тоифасида энг кучли рейтинг балларини қўлга киритган 80 нафар курашчи қатнашди. Спортчилар 10 та вазн бўйича ғолиблик учун ғиламга чиқиб, ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар. Яқинда Ўзбекистон терма жамоаси 8 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Турнир низомига кўра олтин медал соҳиблари 10 минг АҚШ доллари, кумуш медал эгалари 5 минг АҚШ доллари ва бронза медали совриндорлари 1 минг АҚШ доллари билан тақдирланди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимиде Халқаро кураш ассоциациясининг биринчи вице-президенти, спорт вазири Адҳам Икромов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мамлакат кураш федерацияси раиси Нигматилла Йўлдошев, шунингдек, турли минтакаларнинг кураш конфедерацияларидан ташриф буюрган расмийлар иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Польшада ўзбек маҳсулотлари Савдо уйи ташкил этилди.

1 2 3 4 5 6